

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 461-ҳадис

461/825 – عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُضْرَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ صَلَّى فَجَهَرَ بِالْتَّكْبِيرِ حِينَ رَفَعَ رَأْسَهُ مِنِ السُّجُودِ، وَحِينَ سَجَدَ، وَحِينَ رَفَعَ، وَحِينَ قَامَ مِنَ الرُّكُعَتَيْنِ، وَقَالَ: هَكَذَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

461.825 Саъид ибн Ҳорисдан ривоят қилинади:

«Абу Саъид розияллоҳу анҳу бизга намоз ўқиб берди. Саждадан бошини кўтараётганида, саждага бораётганида, (бошини) кўтараётганида ҳамда иккинчи ракатдан тураётганида овоз чиқариб такбир айтди ва: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганларини кўрганман», деди».

Манба: hadis.islom.uz

